

Фикҳ дарслари (47-дарс). Ҳукм оятлари тафсирига оид янги китоблар



16:40 / 21.08.2019 5076

Ҳозирги даврда ҳукм оятлари тафсири йўналишида ҳам янги китоблар ёзилмоқда. Уларнинг ичида Муҳаммад Али Соис раҳматуллоҳи алайҳининг «Тафсири ояти аҳком» ва Муҳаммад Али Собунийнинг «Равоъул баён фий тафсири ояти аҳком минал Қуръон» китоблари машҳур. Келаси сатрларда ушбу икки китоб ҳақида қисқача сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

1. «Тафсири ояти аҳком».

Бу китобнинг муаллифи мисрлик уламолардан Ислом шариати куллиясининг мударриси Муҳаммад Али Соис раҳматуллоҳи алайҳидир. «Тафсири ояти аҳком» китобининг асли куллия талабаларига ўтилган дарсларнинг йиғиндиси. Шунинг учун ҳам китобнинг тартиби илмий услубдан кўра кўпроқ маъруза шаклига ўхшайди. Тўрт қисмдан иборат китоб «биринчи синф дарслари», «иккинчи синф дарслари» деб аталган. Китоб ўзига хос бўлиб, муқаддимасиз, биринчи дарснинг баёнидан бошланиб кетган.

Дарслар ҳам «фалончи сурадан» дея, тафсири ирода қилинган оятни келтириш ила бошланиб кетаверган. Тафсир қилинаётган оят сўзларининг луғавий маъноси, оятнинг нозил бўлиш сабаби, оят тафсири бўйича аввалги тафсирчиларнинг гапларидан намуналар келтирилган. Оятдан чиқадиган ҳукмлар ва ҳикматлар ҳам зикр қилинган. Китобнинг

муқаддимаси ҳам, хотимаси ҳам, мундарижаси ҳам, уни нашр қилган нашриёт ҳам, нашр санаси ҳам зикр қилинмаган. Фақат «Муҳаммад Али Субайх» матбаасида чоп қилингани ҳақида маълумот бор, холос.

Ўзи дарслар маърузасидан иборат бўлган «Тафсири оятил аҳком» китоби чоп этилганидан кейин бошқа илм даргоҳларида ҳам дарс қилиб ўтилган. Жумладан, ушбу сатрларнинг котиби ҳам Либиядаги олий ўқув юртида таҳсил олаётган пайтида айна ушбу китобдан дарс олиш шарафига муяссар бўлган.

2. «Равоъул баён фий тафсири оятил аҳком минал Қуръон».

Бу китобнинг муаллифи Суриянинг машҳур Ҳалаб шаҳрида туғилиб-ўсган олим шайх Муҳаммад Али Собунийдир. У киши бошқа кўплаб асарлари қатори «Равоъул баён фий тафсири оятил аҳком минал Қуръон» китобини ҳам Маккаи Мукаррамада яшаб, шариат куллиясида ишлаб турган пайтида ёзган.

Китобнинг тақдимномасини Масжидул Ҳаромнинг хатиби ва Саудия Маориф вазирлигининг маслаҳатчиси шайх Абдуллоҳ Абдулғаний Хоййат ёзган ва китобга ҳамда унинг муаллифига мақтовлар айтган.

«Равоъул баён фий тафсири оятил аҳком минал Қуръон» гўзал услуб, тартиб ва тил билан ёзилган китоблар сирасига киради. Икки жуздан иборат бу китобнинг боблари «муҳозара» – «дарс маърузаси» деб номланган ва йигирма олти муҳозарадан иборат. Ҳар бир муҳозарага ўзига хос ном ҳам қўйилган. Мисол учун, иккинчи муҳозара «Сеҳр тўғрисида шариатнинг мавқифи» деб аталади.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан